O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 10 июнь ШАНБА

№ 45 (11.848)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 10800 сўм; ёшга доир пенсиялар – ойига 21395 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 10800 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 21395 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 12960 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек жорий йил бошидан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пасайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 сентябрдаги ПФ-3659-сон Фармони (7-банди истистно қилинган ҳолда) 2006 йил 1 июлдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2006 йил 9 июнь.

ҚАРШИГА, УМИД БИЛАН

Бугун Қарши шаҳридаги «Насаф» ўйингоҳида II Республика аёллар спартакиадасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади.

Ушбу спартакиада мусобақалари Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ўтказилмоқда. Мақсад «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури асосида аёлларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, корхона, ташкилот, муассаса ва маҳаллаларда спортни янада оммалаштиришдир. Финал мусобақаларида ҳар бир жамоадан 27 нафардан иштирокчи қатнашиши кўзда тутилган. Улар волейбол, стритбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат-шашка, арқон тортиш, синхрон сузиш турлари бўйича беллашишади.

— Ўтган йили илк маротаба ташкил этилган спартакиадада 1 миллион 143 минг хотин-қиз иштирок этган эди, — деди Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси спорт бўлими бошлиғи Мухтасар Абдураҳмонова матбуот анжуманида. — Бу йилга келиб иштирокчилар 1 миллион 600 мингга етди. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, мусобақалар давомида, айниқса, Тошкент шаҳри ва вилояти, Жиззах, Хоразм, Фарғона вилоятлари жамоалари фаолликни қўлдан беришмаяпти.

Ўтган йили умумжамоа ҳисобида 2-ўринни забт этган вилоятимиз вакиллари бу йил ҳам зафарли юришларини давом эттиришади, деб умид қиламиз.

Хуршида НАЗАРОВА.

Германия пойтахтида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейи арафасида унинг дунё цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирлари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

ГЕРМАНИЯДА ДАВРА СУҲБАТИ

Унда иштирок этган Берлин-Бранденбург Фанлар академияси, Макс Планк номидаги Илмий жамият Фанлар тарихи институти илмий ходимлари XI асрда ушбу илм-фан даргоҳида самарали ижод қилган Абу ибн Ироқий, Абу Ҳаммар, Абу Райҳон ал-Беруний, Ибн Сино ва бошқа кўплаб аждодларимизнинг буюк илмий меросининг аҳамияти ва нодирлигини таъкидлашди.

«Жаҳон» АА.

Аёлини улуғлаган эл хор бўлмайди. Мустақиллик йилларида ўз шаъни, қадр-қимматини чуқур англай бошлаган ўзбек аёли бугунги кунда жамият тараққиётида юксак салоҳият эгаси сифатида намоён бўлмоқда. Хусусан, аёлларнинг ўзига хос фазилатлари, иқтидорига катта ишонч билдириб, уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётган Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари Ўзбекистон хотин-қизларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

АЁЛЛАРИ ЭЪЗОЗЛИ ЮРТ

Айниқса, Республикамиз Президенти 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси асносида ҳар соҳада илғорлар, янги-янги номлар пайдо бўлаётгани фахрлидир. Жумладан, вилоятнинг гўзаллик ва нафосат, ақлу фаросат, меҳру оқибат, ғайрату шижоатда тенги йўқ аёллари ҳақида сўзламоқчимиз.

Аввало, рақамларга мурожаат этсак. Қарийб 2 миллион 480 минг нафар вилоят аҳолисининг деярли 1 миллион 240 минг нафарини аёллар, Олий Мажлис депутатлари орасидаги хотин-қизларнинг тўрт нафари вилоятимиз аёллари эканини ҳар сафар ғурур билан таъкидлаймиз. Халқ депутатлари вилоят кенгашида 8 нафар, шаҳар-туман кенгашларида 79 нафар аёлларимиз давлат аҳамиятига молик масалаларни ҳал этишда қатнашаётгани, 170 нафар олима аёлларимиз илм-фан соҳасида ишлаётгани фахр ва ғуруримизни янада орттиради.

Албатта, уларнинг меҳнатлари доимо қадр ва эъзозда. 2005 йилда 26 нафар аёлларимиз давлат мукофотларига муносиб кўрилгани, улардан Зарифахон Эшмирзаева «Фидокорона меҳнатлари учун», Мастурахон Жалилова, Ҳадича Хабибулина, Маъфират Орипова «Дўстлик» ордени билан тақдирлангани ва бир қатор аёллар «Шуҳрат» медалига сазовор бўлишганини айтиб ўтиш лозим. Жамият ривожида соғлом, баркамол авлод тарбияси жуда муҳим ўрин тутади. Шу боис шифокор ва ўқитувчилар меҳнати муносиб тақдирланиб, уларга қўшимча маош тўланиши ҳақида ғамхўрлик қилаётган давлат раҳбарининг одилона сиёсати келажакда ўз мевасини бериши табиий.

Президентнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг икки йиллиги ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси Ўртачирчиқ туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар анжуманида аёлларнинг буюк яратувчанлик фазилатлари яна бир бор тилга олинди. Туманнинг сўлим гўшаси — «Меҳржон» соғломлаштириш масканида уюштирилган бу тадбирда вилоятимизнинг илғор аёллари, ўртачирчиқлик маҳалла фаоллари, маслаҳатчилар, тадбиркор аёллар, чевар касаначилар иштирок этишди. Улар тадбиркор аёлларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар билан танишдилар, ўзаро фикрлашдилар.

170 минг аҳолиси, 139 та маҳалласи бўлган Ўртачирчиқ туманида турли миллат вакиллари — ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, татар, қорақалпоқ, уйғур, корейслар ҳамжиҳатликда яшаб, меҳнат қиладилар. Бундай катта оилани бошқаришда хотин-қизларнинг, маслаҳатчиларнинг ўрни беқиёс. Ҳақиқатан ҳам, кўргазмага қўйилган ҳар бир буюм, кийим-кечак, расм, стендларда аёлларнинг улуғ меҳри, сабр-тоқати акс этиб турибди.

Бу ҳақда ўз уйида касаначиликни йўлга қўйган Роза Умрзоқова билан суҳбатлашдик.

— Ҳозир 55 ёшдаман, пенсияга чиққунча, қишлоқ хўжалигида агроном бўлиб ишлаганман. Оиладаги бола тарбиясида, айниқса, аёлнинг ўрни катта. Умримни икки ўғлимга бағишладим. Ўқитдим, ҳамиша меҳнатсеварлик энг муҳим фазилат эканлигини уқтириб келдим. Ҳозир ўғилларим сандиқ ясашни ўрганиб олишди. Ака-ука икковлон ясаган сандиқларга харидорлар кўп. Астойдил ҳаракат қилса, ҳамма ҳунарни ўрганса бўлар экан. Улар энди бешик ясашни ҳам ўрганишмоқчи. Келинларим билан бешик анжомларини тикишни йўлга қўйдим. Ҳар ҳолда ҳунар яхши нарса экан. Тўрт неварам ҳам келажакда ҳалол меҳнат қилишни ўрганса, дейман. Халққа манзур бўладиган анжомларни тикишни янада кўпайтириш — мақсадим.

Ҳа, туманда Роза Умрзоқовага ўхшаган касаначилар анчагина. Улардан яна бири «Ўзбекистон» фермер хўжалигидан Машҳура Раззоқова бўлади. У ўқитувчилик билан бир қаторда маҳалладаги 5-6 аёл билан биргаликда кўрпа-тўшак тикишни йўлга қўйган.

— Ҳунар ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди, — дейди у. — Бир ўғил, бир қизим бор. Улар институтларда ўқишади. Лекин ҳунар ўрганишга меҳрлари бўлакча. Бизнинг ишларимизда маҳалламиз маслаҳатчиси Муборак Рўзиматова доимо ёрдам беради.

Қутб юлдузи маҳалласида ҳуқуқшунос Қурбоной Отақулова маслаҳатчилик қилади. У ҳар бир хонадон билан яқин алоқада бўлиб, аҳолининг энг яқин кишисига айланган. Ўзи ҳам тиниб-тинчимайди. Оиласи билан 14 гектар ер олиб, пахта, шоли, буғдой етиштиради, пилла боқади. Хўжаликда оила аъзоларидан олти киши меҳнат қилади.

— Фермерлик ҳаракати қўллаб-қувватланаётгани туфайли кейинги йилларда иш унумдорлиги ошди, даромад ҳам шунга яраша кўпайди, — дейди Қурбоной. — Ўтган йили 22 тонна пахта топширдик. Буғдой, шоли, пилла режасини ҳам ортиғи билан бажардик. Тўрт ўғил, тўрт келин, 10 неварам бор. Келажакда хўжалик ишини невараларим ҳам юритади деган ниятим бор.

Ҳа, анжуман ўртачирчиқликлар ҳузурида ўтказилганлиги бежиз эмас экан. Вилоятдан келган меҳмонлар, маслаҳатчи аёллар бу тадбирдан катта таассурот билан қайтишди. Анжуманда йигирма нафар энг фаол маслаҳатчи республика ва вилоят хотин-қизлар қўмиталарининг фахрий ёрлиқлари ва совғалари билан тақдирландилар.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: *анжумандан лавҳалар.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Фуқаролар йиғинларида сайловлар

ОҚСОҚОЛЛАР САФИ ЁШАРМОҚДА

Ўзини ўзи бошқариш идоралари раҳбарлари сайловлари жараёнларида вакиллик йиғилишларининг иштирокчилари мақсади аниқ, эл-юрт иши учун чин маънода жонкуяр ва фидокор инсонларга ишонч билдириб, фуқаролар йиғинлари раислиги — оқсоқолликка сайламоқдалар. Бу ҳисобот-сайлов йиғилишлари деярли ҳамма ерда пухта тайёргарлик билан ўтмоқда.

Аҳоли барча қатламларининг вакиллари уларда алоҳида манфаатдорлик, эртанги кунимизни ўйлаб, яхши ният-тилаклар билан иштирок этишаётир. Негаки, ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки шаҳарчанинг яқин йилларидаги ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий ривожи кўп жиҳатдан шу йиғилишларда сайланадиган оқсоқолларнинг етуклиги, ишчанлиги, ташаббускорлигига боғлиқ. Пировардида эса, бу сайловлар ва ундан кейинги жараёнлар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига, иқтисодий равнақига ҳеч шубҳасиз катта таъсир кўрсатади.

Дастлабки таҳлиллар йиғилишларнинг иштирокчилари бу масъулиятни чуқур ҳис этишаётганини, шу сабабли кўрсатилаётган муқобил номзодлар орасидан энг муносибларини қувватлаб овоз беришаётганлигини тасдиқламоқда. Аввало, бу сайловларда оқсоқолликка қайта сайланаётганлар 2,5 йил илгари ўтган сайловдагидан хийла камлиги кўзга ташланаётир. 1 июнга қадар сайлов ўтган 1056 маҳалла қўмитасининг 456 тасидагина илгари ишлаб келган оқсоқоллар қайта сайланиши учун етарли овоз олишди. Лекин маҳаллаларнинг янги етакчилари орасида аёллар кўпайиб бораётгани диққатга сазовор. Маълумот олинган кунгача 126 аёл маҳалла фуқаролар йиғинлари раисалигига сайланган эди. Сайловчилар оқсоқолликка кўпроқ малакали, олий ва ўрта махсус маълумотли номзодларни танлаб овоз беришаётир. Ҳозиргача маҳалла оқсоқоллигига сайланганларнинг 78 фоизидан зиёди ана шундай билимли кишилардир.

Фуқаролар йиғинларида оқсоқолликка кўрсатилган номзодлар учун овоз беришда яна бир тамойил яққол кўзга ташланаётир. Бу — оқсоқолларнинг сафи ёшариб бораётганлиги. 1 июнгача сайланган маҳалла оқсоқоллари қаторида 40 ёшгача бўлганлар — 92, 40-50 ёшлилар — 316, 50-60 ёшлилар — 410 киши. Маслаҳатчилар таркиби ҳам сезиларли янгиланди. Маълумот олинган кунгача маҳаллаларда 7914 маслаҳатчи сайланди.

Маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари якуний босқичга кирди, дейишди сайловларни ўтказиш билан шуғулланилаётган вилоят штабида. Қишлоқ ва кўрғон фуқаролар йиғинларидаги йиғилишлар эса, қизғин давом этаётир. Уларнинг ҳаммаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов, фуқаролар йиғини раиси — оқсоқолини сайлаш тўғрисидаги қонунларда белгиланган тартибга биноан ўтмоқда.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Йигитлар хизматдан қайтишмоқда

Асл инсон Ватанини азиз, ҳар миқдор тупроғини муқаддас деб билади, уни ардоқлайди. Ҳеч қачон эл-юртини бошқаларга оёқости қилдириб қўймайди. Йигит ёшига етдими, ўз фарзандлик бурчини адо этишга, мамлакат сарҳадларини қўриқлашга, унинг шаҳар ва қишлоқлари тинчлигини, ватандошларининг осуда ҳаётини ҳимоя қилишга шайланади. Ўқийди, чиниқади, ўзини Ватан Қуролли Кучлари сафида хизматни ўташга тайёрлайди.

ЎҚИШ УЧУН ТАВСИЯ НАҚД

Бугун йигитлик бурчларини бажариб, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган йигитлар ўз она қишлоқлари ва шаҳарларига қайтмоқдалар. Ота-оналар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар уларни бағрларига босиб, шод-хуррамлик билан кутиб олмоқдалар. Мана, бир неча кунки, Қибрай туманининг Янгиобод шаҳарчасидаги Дўстлик кўчасида яшовчи Нурумбетовлар хонадонида байрам. Негаки, шу оддий оилада ўсиб-улғайган Азиз ҳарбий хизмат муддатини ўтаб қайтди.

— Ўқиш, ҳарбий машқлар, қурол-яроғ ва техникани пухта эгаллашга интилиш билан хизмат муддати қандай ўтиб кетганини сезмагандек бўлдик, — дейди Азиз Нурумбетов. — Албатта, ҳарбий хизмат сайл эмас. Унинг синовлари жиддий. Лекин сардорларнинг ўгит ва сабоқлари, юрт-эл нигоҳи, оила аъзоларинг ва дўсту ошнолар далдаси кишига сабот, куч бағишларкан, хизмат давридаги барча қийинчиликларни енгиб ўтишга кўмаклашаркан.

— Ҳарбий қисмлардаги шарт-шароитларни-ку, қўяверинг, — дейди энди захирага ўтган йигит. — Айниқса, Юртбошимизнинг ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаган аскарларга захирага ўтиш чоғида ўқишга кириш учун имтиёзлар бериш ҳақидаги кўрсатмаси Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган ўғлонларда орзу-ниятларни кучайтириб юборди. Улар Ватан олдидаги бурчларини алоҳида эътиқод, ҳавас-интилиш билан ўтай бошлашди.

Мана шу саъй-ҳаракатларнинг натижаси сифатида шуни таъкидлашим мумкинки, ёлғиз Қибрай туманининг ўзида 25 йигит ҳарбий хизматдан ана шундай тавсияномалар билан қайтиб келди. Қипчоқ қишлоғидан Тостан Нуржонов, Мой қишлоғидан Дониёр Нурматов, Оққовоқдан Алишер Рихсимбетов ҳарбий хизматни аъло даражада бажарганликлари учун қўмондонликдан олий ўқув юртларига имтиёзли қабул хусусида тавсиянома олишга муваффақ бўлишди.

Улар ҳаётларини бағишлашга аҳд қилган касблари бўйича ўқиш учун танлаган олий ўқув юртларига ҳужжат тайёрлашмоқда.

Бу йўлда омад ёр бўлсин, йигитлар!

Жўрабек МУРОДОВ.

УЧ ТИЛДАГИ ВЕБ САҲИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти интернет-даги веб саҳифаси тақдимоти бўлиб ўтди.

Саҳифа Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилди. Уни ишга туширишдан асосий мақсад – мамлакатимизда қонун ижодкорлиги жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг иштироки ҳақида кенг оммага ахборот бериб боришдан иборатдир.

Интернетдаги манзили www.imal.uz бўлган веб саҳифа беш бўлимдан иборат. Хусусан, сайтнинг «Тадбирлар» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ташкил этилганидан буён ўтказилган барча тадбирлар – илмий-амалий семинарлар ва давра суҳбатлари, уларда кўтарилган масалалар, иштирокчилар томонидан илгари сурилган амалий таклифлар, билдирилган фикр-мулоҳазалар батафсил баён этилган. «Нашрлар» бўлимига эса институт илмий ходимлари томонидан чоп этилган рисола ва мақолалар билан бир қаторда, илмий-амалий семинарлар материаллари, тўпламлар жойлаштирилган.

Уч – ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги мазкур веб саҳифанинг очилиши институтнинг асосий вазифаларидан бири – хорижий парламентлар, қонун ҳужжатлари мониторинги муассасалари билан амалий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири.

Галла — 2006

ПУХТА ҲОЗИРЛИК БИЛАН

Бўка тумани ғаллакорлари бу йилги ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун барча имкониятларни сафарбар этишмоқда.

Мавжуд 14 минг 770 гектар майдондаги ҳосилни ўриб-йиғиб олишда 25 та комбайн иштирок этяпти. Операторларнинг мавсумдаги фаоллигини ошириш, шунга яраша рағбатлантириш мақсадида мукофот пуллари белгиланган. Ҳар бир гектар ғалла учун 1000 сўмдан ҳақ тўланадиган бўлса, 500 гектардан ошириб ўрган операторларга 50 минг сўм, 600 гектардан оширганларга 75 минг сўм, 700 гектардан оширганларга эса 100 минг сўм мукофот пули берилади. Ҳар бир операторга олдиндан 50 минг сўмдан бўнак пули тарқатилди.

Ўрим-йиғим ишига 150 та трактор тиркамалари ва 100 га яқин автомашиналар ҳам жалб этилган. МТП жамоаси туман ғаллакорларининг 33 минг тонналик шартномавий режаларини муваффақиятли уддалашлари учун бутун куч ва имкониятларини ишга солмоқда.

«САРБОН» ЁРДАМГА ЧИҚДИ

Бекобод тумани ғаллакорларининг ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишларида «Сарбон» ҳиссадорлик жамияти автомобилчиларининг ҳиссаси катта бўлаётир. Кунига 110-115 та автомашина далаларга жўнатиляпти.

Автокорхонанинг «ГАЗ-53», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» русумли юк автомашиналари экин майдонларидан кунига 1600-2000 тонна донни ташиб бераяпти. Фермер ва ширкат хўжаликлари билан тузилган шартномага мувофиқ ғалла пешма-пеш омборларга жўнатиляпти.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ТАНИ СОҒНИНГ УМРИ БАРАКАЛИ

Республика «Саломатлик» институти вилоят филиалининг ўтган даврдаги фаолияти ва навбатдаги мақсад ҳамда вазифалари ҳақида филиал директори Гулбаҳор Абдуллаева билан суҳбатлашдик.

— «Саломатлик» институтининг мақсад ва вазифалари, аввало, аҳоли соғлиғини сақлаш ва саломатлик кўрсаткичларининг ахборот тизимини ташкил қилишдир, — деди Гулбаҳор Иброҳимовна. — Филиалнинг асосий вазифаси ҳудуд аҳолиси орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг сабабини, шунингдек, хавфли омилларни аниқлаш, аҳолининг ҳуқуқий, гигиеник билимларини ошириш ва бошқа бир қатор тарғибот ишларини олиб боришдан иборат. Вилоятдаги туман, шаҳар саломатлик марказлари билан биргаликда инсон соғлигига таҳдид солувчи гиёҳвандлик, ОИТС, тери-таносил касалликлари, йод танқислиги, камқонлик каби хасталикларнинг олдини олиш, улар тарқалиб кетмаслиги учун кўриладиган чоралар ҳақида мутахассислар, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, фуқаролар йиғинлари иштирокида илмий-амалий семинарлар, суҳбатлар ўтказиб борилади.

— Ҳозирги кунда сиз юқорида тилга олган хавфли касалликлар вилоятда учраб турибди. Бу касалликларнинг ўсиш ёки камайиш даражаси қандай?

— Бу борада, аввало, жойлардаги саломатлик марказлари фаолияти учун яратилган шароитларни ҳам айтиб ўтишни истар эдим. Бекобод, Оққўрғон, Қуйичирчиқ, Паркент туманларида марказ ходимларига бўлган эътибор сустроқ. Бекобод, Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари, Зангиота туманида марказ иши яхши йўлга қўйилган.

Ҳудудлардаги соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари бизнинг энг яқин ҳамкорларимиз. Бир ярим йиллик якунларга кўра, вилоят бўйича бирламчи касалликлар, шамоллаш, томоқ, қулоқ, бурун касалликлари 2000 тага камайган. Бекобод, Чирчиқ, Ангрен шаҳарларида бу кўрсаткич анча паст.

Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш яхшиланиб бормоқда. Туғилиш даражаси Бекобод, Чирчиқ шаҳарларида бир мунча юқори бўлаяпти.

Гиёҳвандлик бўйича аҳвол Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ шаҳарларида бирмунча яхшиланган бўлса, Янгийўл, Ангрен шаҳарларида бу кўрсаткич кўтарилганлигининг гувоҳи бўлаяпмиз. Айниқса, юқумли касалликлардан қизамиқ Янгийўл, Олмалиқ, Ангрен шаҳарларида қайд этилганлиги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлигини кўрсатади.

— Юқумли касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида нима дея оласиз?

— Бунинг кўпгина узрли ва узрсиз сабаблари бор. Аввало, оилада тиббий маданиятнинг етишмаслиги, санитария, гигиена қоидаларига амал қилмаслик сабаб бўлади. Агар ҳомиладор аёл тўғри овқатланмаса, яъни зарур дармондорили таомлардан истеъмол қилиб, вақтида шифокор назоратидан ўтиб турмаса, бола носоғлом, иммунитети паст, яъни касалликка қарши курашиш қобилияти заиф бўлиб туғилиши мумкин. Бу эса, турли касалликларни осонгина юқтириб олишга йўл очиб беради. Шунингдек, хонадонларнинг, яшаш, ўқиш, ишлаш жойларининг санитария ҳолатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Демак, ҳамма жойда энг аввало тиббий маданиятни тарғиб қилиш, аҳоли онгига сингдириб бориш лозим.

Шу ўринда филиалимизнинг соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўлими томонидан уюштирилаётган турли тушунтириш, тарғибот ишлари, оммавий ахборот бўлимининг Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан ташкил этаётган тадбирларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Мутахассислиги бўйича энг яхши шифокор, энг яхши санитар, энг яхши ҳамшира кўрик-танловлари аҳоли тиббий маданиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Сайёра ЭШМАТОВА.

Қарор ва ижро

ҚИШЛОҚ ХОНАДОНИ ХАЗИНАСИ



Республика Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори нафақат аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш балки, кучли ижтимоий ҳимоялаш бобида туб бурилиш ясайдиган муҳим ҳужжат бўлди.

Шундай экан, қарор жойларда қандай ижро этилаяпти? Шубҳасизки, бу борада, айниқса, қишлоқ мулкдорлари ибратли ишларга қўл уришаяпти. Буни Юқоричирчиқ тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бевосита туман ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан мазкур қарор ҳамда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурини изчил амалга ошириш йўлида тилга олса арзигулик ишлар қилинди. Жумладан, сўнгги икки ой мобайнида 135 та кам таъминланган хонадонларга мурувватли ҳомийлар кўмаги билан бир бошдан бепул сигир берилди. Бунда туман газлаштириш идораси, «Пахтабанк»нинг Янгибозор бўлими, туман йўллардан фойдаланиш корхонаси, «Қишлоқхўжаликкимё» туман филиали, «Турон», «Нурмат ота», «Қодирали ҳожи ота» сингари фермер хўжаликлари бошқаларга намуна бўлдилар.



— Кўрсатилаётган беназир ғамхўрликлар учун аввало ҳукуматимиз раҳбарларига, қолаверса, барча эзгу ниятли ҳомийларга миннатдорчилик билдираман, — дейди янгибозорлик боғбон Солибой Эсболаев. — Тўғрисини айтсам, оиламизга берилган сигир хонадонимизга барака киритди. Ўғил-қизларимиз ҳар куни сут-қатиқ ичишаяпти. Ночор оилалардан ёрдамини аямаётган бағрикенг инсонларнинг бири икки бўлаверсин.

Дарвоқе, туманда Президент қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда шахсий ёрдамчи хўжаликлардаги қорамолларнинг наслини яхшилаш юзасидан ҳам қатор тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Туман бўйича камида 10 та сунъий қочириш шахобчаларини очиш режалаштирилган эди. Ҳозиргача саккизтаси ишга тушди. Бир ҳафта аввал «Оқовул» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «Бирлик» зооветеринария хизмат кўрсатиш пункти, Янгибозор қўрғонида эса шундай марказ ишга туширилди. Бундай эътиборга лойиқ ишларга Жумабозор ва Ийк ота қишлоқларида ҳам қўл урилаяпти. Шуниси қувонарлики, очилаётган зооветеринария хизмати кўрсатиш пунктлари қошида омухта ем етказиб берадиган шахобчалар ҳам ташкил этилмоқда.

Яна бир гап. Аҳоли шахсий ёрдамчи хўжаликларидаги моллар наслини яхшилаш мақсадида туман марказий бозорида наслдор моллар кимошди савдоси ўтказиладиган майдон ташкил этилди. Яқинда бу ерда наслчиликка ихтисослаштирилган «Эргаш ота», «Тано» фермер хўжаликларидан келтирилган зотдор молларнинг илк кимошди савдоси ўтказилди. Бундан ташқари, туман марказий мол бозорида сотувчи ва олувчилар учун қулай шароитлар яратилди. Жумладан, барча турдаги моллар савдосини уюштириш учун усти ёпиқ савдо саройлари ташкил этилди.

Самад САРИМСОҚОВ.

СУРАТЛАРДА: *«Бирлик» зооветеринария хизмати кўрсатиш пунктининг ташқи кўриниши; пункт қошида очилган ветеринария лабораторияси.*

Обуна – 2006

ФУРСАТ БОЙ БЕРИЛМАСА ЭДИ...

Газетамизнинг ангренлик мухлисларидан бири таҳририятга телефон қилиб қолди. Салом-аликдан сўнг, ўзини қизиқтирган мавзулар ҳақида гаплаша туриб, қўққисдан сўради:

– Иккинчи ярим йилликда нашрингиз адади ўн беш мингдан ошиб кетса керак?

– Нима учун бундай деяпсиз? – саволга савол билан жавоб берамиз.

– Биргина ангренликларнинг ўзлари вилоятнинг етакчи икки нашрига мингга яқин обуна бўлишмоқчи. Шаҳар ҳокимининг саъй-ҳаракатлари, олиб борилаётган тушунтириш ишлари бу қуруқ гап эмаслигидан далолат. Бошқа шаҳар ва туманларда ҳам шундай фаол иш юритилаётган бўлса, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари адади ўз-ўзидан бир неча карра кўпаяди-да...

Барча шаҳар ва туманларда иккинчи ярим йиллик учун обунани ташкил этиш юзасидан унча-мунча ишлар қилинаётганидан хабаримиз бор, албатта. Таҳририятимиз вакилларининг шу мақсадда қадами етмаган жой қолмади десак, муболаға бўлмас. Лекин фурсат жуда оз қолгани инобатга олинса, натижалар ҳозирча, хурсанд бўларли даражада эмас.

У ёки бу ҳудуддан обунанинг бориши ҳақида сўраб мурожаат қилаётганлар учун эса «Тошкент почтаси» акциядорлик жамияти тақдим этган маълумотномани чоп этмоқдамиз. Кўриб, ўзингиз хулоса қилаверинг.

Вилоят шаҳар ва туманларида 2006 йилнинг иккинчи ярмига обунанинг бориши ҳақида маълумот 2006 йил 9 июнь ҳолатига

	«Тошкент ҳақиқати»	«Ташкетская правда»
Ангрен шаҳри	33	36
Бекобод шаҳри	2	2
Оҳангарон шаҳри	20	13
Олмалиқ шаҳри	1	9
Чирчиқ шаҳри	19	6
Янгийўл шаҳри	13	18
Оҳангарон тумани	29	4
Оққўрғон тумани	3	2
Бекобод тумани	-	-
Бўстонлиқ тумани	30	1
Бўка тумани	1	-
Зангиота тумани	1	-
Қибрай тумани	-	4
Қуйичирчиқ тумани	-	6
Паркент тумани	1	-
Пскент тумани	4	1
Юқоричирчиқ тумани	-	-
Тошкент тумани	7	-
Чиноз тумани	4	-
Ўртачирчиқ тумани	-	-
Янгийўл тумани	-	-
ЖАМИ:	**168**	**102**

Касаначилик

МОДДИЙ МАНФААТ КЎРИШМОҚДА

Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси шўъба корхонасида ишлайдиган аёлларнинг кўпчилиги уйларида касаначилик билан шуғулланишади. Бу қўшимча меҳнат тури корхона ҳомийлигида уларга моддий манфаат келтирмоқда.

Яқинда республикамиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб корхонада ўтказилган «Моҳир қўллар» кўргазмасида улар тайёрлаган миллий дўппилар, кашталар, кийим-кечаклар ва бошқа буюмлар намойиш этилди. Энг сара маҳсулот эгалари корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

— Қизларимни ўқишдан ташқари уйда каштачиликка ўргатганман, — дейди кимё цехи ишчиси Мунаввар Жониқулова. — Кўргазмада улар мустақил тиккан кашталар ҳам юқори баҳоланди.

Мунаввара РАЖАББОЙ қизи.

Бугуннинг гапи

«ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ»:

ЎҒИТ КЕРАКМИ? МУАММО ЙЎҚ!

Қишлоқ хўжалиги соҳасида юз бераётган бугунги ўзгаришу янгиликларни, ташаббусу интилишларни кўриб, кузатиб борар эканмиз, Президент қайта-қайта таъкидлаган гап ёдимизга тушади. Юртбошининг «Ислоҳот шунчаки, ислоҳот учун эмас, балки халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши лозим», деган сўзларининг ижобатини бугун қишлоқ хўжалигининг ҳар бир жабҳаси ва ҳар қадамда кўриб, гувоҳ бўлиб турибмиз.

Зарар кўриб ишлаётган иқтисодий ночор ширкат хўжаликларини босқичма-босқич тугатиб, улар негизида мустақил фермер хўжаликларини ташкил этиш изчил давом этмоқда. Бугунги куннинг талаби бўлган бу жараён эндиликда мевачилик, узумчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган тармоқларда ҳам қизғин тус олди. Шунингдек, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳам ўз фаолиятларини равон йўлга қўйиб, барқарор ривожланиб боришлари учун ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Таъкидлаш жойзки, вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамияти юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда иш юритмоқда. Бу ҳақда жамият раисининг ўринбосари Юсуфхон Назирхонов мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Бу йил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларидан тушган буюртмаларга мувофиқ бутун мавсум давомида 36 минг тоннадан зиёд азотли, 9 минг тоннадан ортиқ фосфорли ва 1,5 минг тоннадан кўпроқ калийли ўғит етказиб беришимиз лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳамма турдаги ўғитлар олдиндан етарлича ғамлаб қўйилган бўлиб, улар махсус омборларда сифатли сақланмоқда ва буюртмалар бўйича жойларга етказиб берилмоқда.

Жамиятимизга қарашли «Кучлик» туманлараро ўғит базамиз энг йирик ҳисобланиб, у вилоятнинг тўққизта туманини вақтида ва керагича ўғитлар билан таъминлаш имкониятига эга. Базанинг барча омборлари ўғитлар сифатли сақланадиган қилиб тубдан қайта таъмирланган ва энг муҳим ускуналар янгилари билан алмаштирилган, қолганлари талаб даражасида тартибга келтирилган.

Биз Вазирлар Маҳкамасининг «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ кейинги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларни минерал ўғит ва бошқа кимёвий маҳсулотлар билан таъминлашнинг янгича усулларини жорий этмоқдамиз. Хусусан, бугунги кунда жамоамиз ўғитларни бевосита далаларга ташиб бериш, компостлар тайёрлаш ва уларни ерга, экинга сепиш ишларини ҳам бажараётир.

Кейинги пайтда яна бир муҳим янгиликка қўл урдик. Вилоятдаги 15 та қишлоқ туманларининг ҳаммасида минерал ўғитлар тарқатиладиган 69 та савда шахобчаси очилди. Бу шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига, айниқса, қулай бўлди. Масалан, фермерлар керакли миқдордаги ўғитга эга бўлиш учун илгаригидек ўнлаб километр йўл босиб, бунинг устига ҳафта-ўн кунлаб овора бўлмайдилар. Қолаверса, томорқа эгалари ва маҳаллий деҳқонлар ҳам керакли ўғитни ёнларидаги савдо шахобчасидан сотиб олаверадилар.

Айтиш жоизки, бу қулайлик Республика Президентининг «2006 йилда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига амалий жавоби бўлди. Энди қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар жойларда очилган қуйидаги махсус дўконлардан карбамид, суперфосфат ва аммоний сульфафосфат каби минерал ўғитларни нақд пул тўлаб сотиб олишлари мумкин.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ.

Вилоят туманларида минерал ўғитлар билан савдо қилувчи дўконлар манзили:

Туманлар	Дўконлар	Телефон
Оққўрғон	«Қишлоқхўжаликкимё» филиали қошида очилган 1-дўкон	8-255-21495
Оҳангарон	Оҳангарон шаҳри. Ветдорихона	8-264-51430
Бекобод	М. Улуғбек деҳқон ва фермерлар уюшмасидаги 1-дўкон Зафар қўрғони, 2-дўкон	3365826
Бўстонлиқ	«Қишлоқхўжаликкимё» филиали қошидаги «Агрокимё» дўкони	8-274-21141
Бўка	Бўка шаҳри, Х. Тўймуҳамедов кўчаси, 2-уй, «Қишлоқхўжаликкимё» қошидаги махсус дўкон О. Йўлдошев деҳқон-фермерлар уюшмаси ҳудудидаги 2-махсус дўкон Равот деҳқон-фермерлар уюшмаси ҳудудидаги 3-махсус дўкон	8-257-36148
Қуйичирчиқ	Дўстобод шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси. 4-уй	8-256-72503
Зангиота	Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 1-дўкон Тарнов қўрғони ҳудудидаги 2-дўкон Назарбек деҳқон-фермерлар уюшмаси ҳудудидаги 3-дўкон. «Қишлоқхўжаликкимё» филиали қошидаги 4-дўкон	
Юқоричирчиқ	Янгибозор, Утешбоева кўчаси, 49-уй, «Қишлоқхўжаликкимё» филиали қошидаги 2-дўкон У. Юсупов деҳқон-фермерлар уюшмаси қошидаги 2-дўкон	
Қибрай	А. Соатов кўчаси, 1-уй, «Қишлоқхўжаликкимё» филиали қошидаги 1-дўкон	64-93-28
	Ўнқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Мафтуна» махсус дўкони	
Паркент	Ёшлик қўрғони, Нилуфар кўчаси, «Қишлоқхўжаликкимё» филиали қошидаги 1-дўкон Туман маркази, Навоий шоҳ кўчаси, 12-уйдаги 2-дўкон. Чанги қишлоғи, 4-уй, Чанги деҳқон-фермерлар уюшмаси ҳудудидаги 3-дўкон	8-272-22067
Ўртачирчиқ	Истиқлол қишлоқ фуқаролар йиғини, Галаботир қишлоғи, «Қишлоқхўжаликкимё» филиали қошидаги 1-дўкон	8-276-21259
Тошкент	Шамсиобод қишлоғи, «Қишлоқхўжаликкимё» филиали қошидаги 1-дўкон	
Чиноз	Чиноз шаҳарчаси, «Йўлдошхозмаг» дўкони Олмазор қўрғони, «Рауф Икром» дўкони Охунбобоев деҳқон-фермерлар уюшмаси ҳудудидаги «Элбек Достон» дўкони	
Янгийўл	Жамбул қўрғони, Ўзбекистон кўчаси, 23-уй, «Қишлоқхўжаликкимё» филиали қошидаги «Ер малҳами» махсус дўкони	8-258-61425
Пскент	Охунбобоев деҳқон-фермерлар уюшмаси, «Қишлоқхўжаликкимё» филиали қошидаги 1-дўкон	

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 12

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
8.55 «Сехрланган қиз». Болалар учун фильм.
10.35 «Алпомиш изидан». Видеофильм. 1-қисм.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Одами эрсанг»
11.40 «Муқаддас тахтизар». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.35 «Муқаддас тахтизар». Спектакль. 2-қисм.
13.30 «Рангин дунё».
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Ўзбегим ўғлонлари».
16.20 «Олтин бешик».
16.50 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Равнак» студияси намойиш этади.
17.40 ТВ анонс.
17.45 «Оҳанглар оғушида».
18.00 «Умр дафтари». 1-қисм.
18.20 «Ўч». Видеофильм. 1-қисм.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.00 ТВ анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Ёз ифори». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.20 «Гойиб бўлган кема сири». 1-қисм.
23.45-23.50 Тунги наволар.

ЁШЛАР

16.00 Давр.
16.10 Анонслар.
16.15 Болажон.
16.25 Кино SMS.
16.30 Ёшлар овози.
16.45 SMS-кинотанлов.
16.50 Афсона ва ҳақиқат.
17.40 UzEX хабарлари (инглиз тилида)
17.50 Анонслар.
17.55 «Скарлетт». Б/ф. 1-қисм.
18.45 UzEX хабарлари
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Кино SMS.
19.40 CINEMANIYA.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Рақурс.
20.25 UzEX хабарлари.
20.35 Ёшлар куйлаганда.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бўрилар орасидаги рақс». Б/ф. 1-қисм.
21.40 Мусиқий лаҳзалар.
21.50 Ватан ҳақида ўйлар.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Кино SMS.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 «Елғон асираси». Т/с.

ТОШКЕНТ tRv

18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «23,5 даражали бурчак остида».
19.15 «Саломат бўлинг».
19.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 21.50 «Тв анонс».
20.25 «Камила». Т/с.
20.45, 21.20 «Телекурьер маркет».
20.50 «Тв юрист».
21.00 «Оқшом наволари».
21.30 «Журналист таҳлили».
21.55 «Оролга сайр». Б/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар»
8.20 «Болалар спорти».
8.35 М/ф.
8.45 «Гора самоцветов». М/ф.
9.00 «Хабарлар»
9.10 Футбол. «Машъал»-«Андижан».
10.00-10.50 Иккинчи Республика Аёллар спартакиадаси.
17.55 Футбол. ЖЧ. «Австралия – Япония».
20.00 «Вести».
20.20 «Спортимиз маликалари».
20.35 ЖЧ-2006 кундалиги.
21.00 Футбол. ЖЧ. «АҚШ - Чехия».
23.00 «Кавалеры морской звезды». Т/с.
24.00 Футбол. ЖЧ. «Италия - Гана».

СЕШАНБА 13

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Гойиб бўлган кема сири». 1-қисм.
9.20 1. «Ўйла, Изла, Топ!» 2. «Шумтакалар». М/с.
10.35 «Алпомиш изидан». Видеофильм. 2-қисм.
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.15 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
12.45 «Ёз ифори». Т/с.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Заковат».
16.15 «Жаҳон опера юдузлари». М. Раззоқова.
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Ақл ва идрок».
17.40 «Ҳаёт ва қонун».
18.00 «Умр дафтари». 2-қисм.
18.20 «Оҳанглар оғушида».
18.25 «Ўч». Видеофильм. 2-қисм.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Сиз соғинган оҳанглар». О. Отахонов.
22.00 «Ёз ифори». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.20 «Гойиб бўлган кема сири». 2-қисм.

ЁШЛАР

6.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Расмлар сўзлаганда.
8.15 «Ратилар оиласи». М/ф
8.25 Болалар табассуми.
8.30 Эврика.
8.40 Рақурс.
9.00 «Елғон асираси». Т/с.
9.45 Болажон.
9.55 Ватан ҳақида ўйлар.
10.00 Давр.
10.15 Футбол. ЖЧ. Австралия – Япония.
12.10 «Тақдир». Т/с.
12.40 «Қўшқулоқ».
13.00 Давр.
13.10 Анонслар.
13.15 «ЯНГИ КУН».
14.15 Даврнинг боласи.
14.25 Усмирлар симфоник оркестри.
14.35 «Сув мўъжизалари».
14.45 Ҳаёт қадри.
15.15 «Даллас». Т/с.
16.00 Давр.
16.10 Анонслар.
16.15 Ватанпарвар.
17.15 Ёшлар овози.
17.30 ТВ – дорихона.
17.40 CINEMA BOLLIVUD.
17.55 «Скарлетт». Б/ф. 2-қисм.
18.40 Мусиқий лаҳзалар.
18.50 Ватан ҳақида ўйлар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Қизил ҳудуд.
20.00 «JOKER»
20.10 Автопатруль.
20.30 Анонслар.
20.35 Ёшлик наволари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бўрилар орасидаги рақс». Б/ф. 2-қисм.
21.40 Мусиқий лаҳзалар.
21.50 Ватан ҳақида ўйлар.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 «Елғон асираси». Т/с.

ТОШКЕНТ tRv

18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «23,5 даражали бурчак остида».
19.15 «Истеъмолчи минбари».
19.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 21.55 «Тв анонс».
20.25 «Камила». Т/с.
20.45, 21.20 «Телекурьер маркет».
20.55 «Тв юрист».
21.00 «Оқшом наволари».
21.30 «Анъаналар этади давом».
22.00 «Эшикни очинг полиция». Б/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар»
8.20 «Болалар спорти».
8.35 М/ф.
8.45 «Спорт-клуб».
9.00 «Хабарлар»
9.20 Кураш. Халқаро турнир.
9.50 Теннис. Ролан-гаррос.
10.45 Иккинчи Республика Аёллар спартакиадаси.
11.15-12.15 «Талисман».
17.55 Футбол. ЖЧ. «Ж. Корея – Того».
20.00 «Вести».
20.20 «Путешествия натуралиста».
20.45 ЖЧ-2006 кундалиги.
21.00 Футбол. ЖЧ. «Франция - Швейцария».
23.00 «Кавалеры морской звезды». Т/с.
24.00 Футбол. ЖЧ. «Бразилия-Хорватия».

ЧОРШАНБА 14

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Гойиб бўлган кема сири». 2-қисм.
9.10 1. «Олтин тож». 2. «Шумтакалар». М/с.
10.05 F.Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
10.25 «Алпомиш изидан». Видеофильм. 3-қисм.
10.45 «Банк ва мижоз».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Китоб». «O`zbektelefilm».
12.25 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
12.45 «Ёз ифори». Т/с.
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
16.15 «Саломатлик» дастури.
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.45 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
18.05 «Умр мазмуни».
18.25 «Ўч». Видеофильм. 3-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Ёз ифори». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.20 «Денгиз тубидаги синоатлар». 1-қисм.

ЁШЛАР

6.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Расмлар сўзлаганда.
8.15 «Ратилар оиласи». М/ф
8.25 «Болалар экрани»да спорт.
8.45 ТВ - дорихона.
9.00 «Елғон асираси». Т/с.
9.50 Оила- муқаддас маскан.
9.55 Ватан ҳақида ўйлар.
10.00 Давр.
10.10 Анонслар.
10.15 Футбол. ЖЧ. Бразилия – Хорватия.
12.05 Кино SMS.
12.10 «Тақдир». Т/с.
12.40 Қизил ҳудуд.
13.00 Давр.
13.15 «ЯНГИ КУН».
14.15 Даврнинг боласи.
14.25 Усмирлар симфоник оркестри.
14.35 «Сув мўъжизалари».
14.45 Якшанба нонуштаси.
15.15 «Даллас». Т/с.
16.00 Давр.
16.10 Ватан ҳақида ўйлар.
16.15 «Зангиота».
16.25 Қадимий қўшиқлар. Катта ашула.
17.25 Ёшлар овози.
17.40 Мусиқий лаҳзалар.
17.50 Анонслар.
17.55 «Скарлетт». Б/ф. 3-қисм.
18.45 Каталог.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 «Меъёр – соғлиқ гарови».
20.00 Спорт-лото.
20.15 Ватан ҳақида ўйлар.
20.20 Давр мавзуси.
20.35 Ёшлик наволари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бўрилар орасидаги рақс». Б/ф 3-қисм.
21.45 Мусиқий лаҳзалар.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 «Елғон асираси». Т/с.

ТОШКЕНТ tRv

18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «23, 5 даражали бурчак остида».
19.15 «Мисли гавхар».
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 21.55 «Тв анонс».
20.25 «Камила». Т/с.
20.45, 21.20 «Телекурьер маркет».
20.55 «Тв юрист».
21.00 «Оқшом наволари».
21.30 «Бадиий иқлим».
22.00 «Эртаклар тарк этган дара». Б/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар»
8.20 «Шохрух клуби».
8.35 М/ф.
8.45 «Спорт - менинг ҳаётим».
9.00 «Хабарлар»
9.20 Кураш. Халқаро турнир.
9.50 Теннис. Ролан-гаррос.
10.50 «Живые легенды моря».
11.15-12.15 «Талисман».
17.55 Футбол. ЖЧ. «Испания-Украина».
20.00 «Вести».
20.20 «Мониторинг».
20.40 ЖЧ-2006 кундалиги.
21.00 Футбол. ЖЧ. «Тунис - Саудия Арабистони».
23.00 «Кавалеры морской звезды». Т/с.
24.00 Футбол. ЖЧ. «Германия-Польша».

ПАЙШАНБА 15

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Денгиз тубидаги синоатлар». 1-қисм.
9.20 1. «Қувноқ стартлар». 2. «Шумтакалар». М/с.
10.35 «Алпомиш изидан». Видеофильм. 4-қисм.
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Китоб». «O`zbektelefilm».
12.25 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
12.45 «Ёз ифори». Т/с.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Йиллар армони».
16.05 «Аёл ва жамият».
16.25 1. «Болалар дунёси». 2. «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Имконият».
17.45 «Сиёсат оламида».
18.05 «Бир асар тарихи».
18.25 «Ўч». Видеофильм. 4-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Ватан туйғуси».
22.00 «Ёз ифори». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.20 «Денгиз тубидаги синоатлар». 2-қисм.

ЁШЛАР

6.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Расмлар сўзлаганда.
8.15 «Ратилар оиласи». М/ф.
8.25 Китоб жавони.
8.40 Давр мавзуси.
9.00 «Елғон асираси». Т/с.
9.45 SMS-кинотанлов.
9.50 Оила – муқаддас маскан.
9.55 Ватан ҳақида ўйлар.
10.00 Давр.
10.15 Футбол. ЖЧ. Испания – Украина.
12.10 «Тақдир». Т/с.
12.40 «Нақшлар бўстони».
13.00 Давр.
13.15 «ЯНГИ КУН».
14.15 Даврнинг боласи.
14.25 Усмирлар симфоник оркестри.
14.35 «Сув мўъжизалари».
14.45 «Санъат усталари». З Ҳидоятова. 1-қисм.
15.05 «Даллас». Т/с.
15.50 Мусиқий лаҳза.
16.00 Давр.
16.10 Ватан ҳақида ўйлар.
16.20 Автопатруль.
16.40 Замондош.
17.00 Чемпион сирлари
17.20 Шифокор қабулида.
17.40 Мусиқий лаҳзалар.
17.50 Анонслар.
17.55 «Скарлетт». Б/ф. 4-қисм.
18.45 Мусиқий лаҳза.
18.50 Ватан ҳақида ўйлар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.45 Ватан ҳақида ўйлар.
19.50 Парламент вақти.
20.25 Ёшлар куйлаганда.
20.50 Ватан ҳақида ўйлар.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бўрилар орасидаги рақс». Б/ф. 4-қисм.
21.45 Мусиқий лаҳзалар.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 «Елғон асираси». Т/с.

ТОШКЕНТ tRv

18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «23,5 даражали бурчак остида».
19.15 «Юртим жамоли».
19.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 21.40 «Анонс».
20.25 «Камила». Т/с.
20.45, 21.20 «Телекурьер маркет».
20.55 «Тв юрист».
21.00 «Оқшом наволари».
21.30 «Автоҳамкор».
21.45 «Қонунбузарлар». Б/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар»
8.20 «Болалар спорти».
8.35 М/ф.
8.45 «Спорт-клуб».
9.00 «Хабарлар».
9.20 Футзал. «Севинч» - чемпион!»
9.40 Теннис. Ролан-гаррос.
10.30 «Ким нимага қодир?»
10.50 «Живые легенды моря».
11.15-12.10 «Талисман».
17.55 Футбол. ЖЧ. «Эквадор-Коста-Рика».
20.00 «Вести».
20.20 «Шарқ яккакурашлари».
20.40 ЖЧ-2006 кундалиги.
21.00 Футбол. ЖЧ. «Англия -Тринидад ва Тобаго».
23.00 «Беллашув».
24.00 Футбол. ЖЧ. «Швеция-Парагвай».

ЖУМА 16

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Денгиз тубидаги синоатлар». 2-қисм.
9.20 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Шумтакалар». М/с.
10.15 «Алпомиш изидан». Видеофильм. 5-6-қисмлар.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55 Олтин мерос.
12.05 Жаҳон адабиёти хазинасидан. А. Несин ҳажвиялари.
12.45 «Ёз ифори». Т/с.
13.50 «Зилол». Фольклор қўшиқлар.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» хазинасидан.
16.10 «Табаррук замин».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 Бизнес янгиликлари.
17.40 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
18.00 «Минг бир ривоят».
18.05 «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
18.25 «Ўч». Видеофильм. 5-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Ёз ифори». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.20 «Гугонг қасри».

ЁШЛАР

6.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Расмлар сўзлаганда.
8.15 «Ратилар оиласи». М/ф.
8.25 Болалар шеърияти.
8.35 У ким? Бу нима?
8.55 Болалар табассуми.
9.00 «Елғон асираси». Т/с.
9.50 Ватан ҳақида ўйлар.
9.55 Мусиқий лаҳза.
10.00 Давр.
10.10 Анонслар.
10.15 Футбол. ЖЧ. Англия – Тринидад ва Тобаго.
12.10 «Тақдир». Т/с.
12.40 Замондош.
13.00 Давр.
13.10 Анонслар.
13.15 «ЯНГИ КУН».
14.15 Даврнинг боласи.
14.25 Усмирлар симфоник оркестри.
14.35 «Сув мўъжизалари».
14.45 «Санъат усталари». З. Ҳидоятова. 2-қисм.
15.10 «Даллас». Т/с.
16.00 Давр.
16.10 Ватан ҳақида ўйлар.
16.15 «Болалигим - пошшолигим».
17.15 Ёнимдаги бахт.
17.20 Аскар мактублари.
17.40 Солиқ хизмати хабарлари.
17.55 «Скарлетт». Б/ф. 5-қисм.
18.40 Мусиқий лаҳзалар.
18.50 Ватан ҳақида ўйлар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 «Моя мечта». Дунё таомлари.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Кинотақдим.
20.30 «Кун тартиби». Ёдгор Саъдиев.
21.50 Мусиқий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 «Елғон асираси». Т/с.

ТОШКЕНТ tRv

18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «23,5 даражали бурчак остида».
19.15 «Фукаролик жамияти сари».
19.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 21.45 «Тв анонс».
20.25 «Камила». Т/с.
20.45, 21.20 «Телекурьер маркет».
20.55 «Тв юрист».
21.00 «Оқшом наволари».
21.30 «Аёл қалби».
21.50 «Ўгай она». Б/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар»
8.20 «Болалар спорти».
8.35 М/ф.
9.00 «Хабарлар».
9.20 «Ринг».
9.45 Футбол. «Насаф» - «Бухоро».
10.35 «Сам себе режиссёр».
11.15-12.15 «Талисман». Т/с.
17.55 Футбол. ЖЧ. «Аргентина-Сербия ва Черногория».
20.00 «Вести».
20.20 «Вокруг света».
20.45 ЖЧ-2006 кундалиги.
21.00 Футбол. ЖЧ. «Голландия - Кот-д'-Ивуар».
23.00 «Поле чудес».
24.00 Футбол. ЖЧ. «Мексика-Ангола».

ШАНБА 17

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 1. «Олтин тож». Телеўйин. 2. «Шумтакалар». М/с.
9.40 Биржа ва банк хабарлари.
9.45 «Ҳидоят сари».
10.05 «Оналар мактаби».
10.25 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар».
11.05 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.40 «Интеллектуал ринг».
12.25 «КиноТеатр».
12.45 «Ёз ифори». Т/с.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Меҳр кўзда».
16.05 «Минг бир маслаҳат».
16.25 1. «Ўйла, Изла, Топ!» 2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.40 «Одами эрсанг»
18.00 «Дил таронаси».
18.05 «Саломатлик сирлари».
18.25 «Шахсий фикр».
19.00 «Оҳанглар оғушида».
19.15 «Суперлото». Телелотерея.
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Сўз ва соз». Ток-шоу.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Парламент вақти».
22.10 «Ҳаёт давом этади».
22.30 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
22.40 «Хос соқчи». Б/ф. 1-қисм.

ЁШЛАР

6.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 «Дороти Оз мамлакатида». М/ф.
8.35 Шифокор қабулида.
9.00 «Елғон асираси». Т/с.
9.45 Солиқ хизмати хабарлари.
9.55 Ватан ҳақида ўйлар.
10.00 Давр.
10.10 Анонслар.
10.15 Футбол. ЖЧ. Аргентина – Сербия ва Черногория.
12.05 Кино SMS.
12.10 «Тақдир». Т/с.
12.40 Телепортрет.
13.00 Давр.
13.10 Ватан ҳақида ўйлар.
13.15 «ЯНГИ КУН».
14.15 Усмирлар симфоник оркестри.
14.25 «Сув мўъжизалари».
14.35 Юлдуз билан....
15.05 Ёнимдаги бахт.
15.10 «Гап йўқ».
15.55 Анонслар.
16.00 Давр.
16.10 Ватан ҳақида ўйлар.
16.15 Мусиқий лаҳза.
16.20 «Янги авлод» шоуси.
16.35 Бола тилидан.
17.10 Чемпион сирлари.
17.30 Анонслар.
17.40 Антиқа томоша....
18.10 Мусиқий лаҳзалар.
18.30 Ватан ҳақида ўйлар.
18.35 Каталог.
18.45 «Камолот» хабарлари.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Анонслар.
19.45 CINEMA BOLLIVUD.
20.00 «Дилрабо». Одил Шомуродов куйлайди.
20.30 «Мўйқалам сеҳри». Абдунаби Мамадиев.
21.05 Оҳанрабо.
21.50 Анонслар.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 SMS-кинотанлов якуни. Б/ф.

ТОШКЕНТ tRv

«8.00-13.00»гача кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
18.15 «Болажонлар экрани» - «Табассум»
18.30 «Шунақа гаплар» ҳажвий кўрсатув.
18.45 «23,5 даражали бурчак остида».
19.10 «Кино олами»
19.20, 20.45 «Телекурьер маркет».
19.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.00 «Тв юрист.
20.05 «Экран зийнати ва қиймати».
20.25 «Камила». Т/с.
20.55, 22.20 «Тв анонс».
21.00 «Оқшом наволари».
21.20 «Дадил қадамлар».
21.40 «Тв юрист».
21.45 «Мулоҳаза учун мавзу».
22.25 «Келиб айтганларим». Б/ф.

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар»
9.10 «Смак».
9.25 «В поисках приключений».
10.15 «Маҳалламиз паҳлавонлари».
11.00 «Военное дело».
11.20-12.10 Футбол. «Пахтакор» - «Машъал».
17.55 Футбол. ЖЧ. «Португалия - Эрон».
20.00 «Вести».
20.20 «SPORT- кадр».
20.40 ЖЧ-2006 кундалиги.
21.00 Футбол. ЖЧ. «Чехия-Гана».
23.00 «Стать ближе». Ток-шоу.
23.45 «Тақдир чизғилари».
24.00 Футбол. ЖЧ. «Италия-АҚШ».

ЯКШАНБА 18

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 1. «Ўйла, Изла, Топ!» 2. «Камалак» экрани.
10.25 «Саломатлик сирлари».
10.45 «Бозор кўрмаган йигит». Видеофильм.
12.05 «Оҳангларга ошуфта кўнгил». И. Фармонов куйлайди.
12.35 «Истиқомат ҳуқуқи». Б/ф.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «50х50». Ток-шоу.
16.10 Ватан ҳақида қўшиқлар.
16.20 1. «Олтин тож». 2. Ўсмирлар симфоник оркестри намойиш этади.
17.45 «Қалпоқ». Ҳажвий кўрсатув.
18.15 «Оҳанглар оғушида».
18.25 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома»
20.05 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
21.00 «Таҳлилнома».
21.50 «Заковат».
22.45 «CINEMA.UZ».
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.15 «Хос соқчи». Б/ф. 2-қисм.

ЁШЛАР

6.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 Анонслар.
8.05 «Диққат, маймунчалар». М/ф.
9.15 «Янги авлод» шоуси.
9.30 Кинотақдим.
9.50 «Камолот» хабарлари.
10.00 Ватанпарвар.
11.00 Парламент вақти.
11.30 Ватан ҳақида ўйлар.
11.35 Оҳанрабо.
12.20 Якшанба нонуштаси.
12.50 Меъёр-соғлиқ гарови.
13.10 Анонслар.
13.15 «ЯНГИ КУН».
14.15 Ватан ҳақида ўйлар.
14.20 «Кун тартиби». Ёдгор Саъдиев.
15.40 Анонслар.
15.45 Футбол. ЖЧ. Португалия – Эрон.
17.25 Кино SMS.
17.30 «Ёз кунларининг бирида». Видеофильм.
18.20 «Journal» (инглиз тилида)
18.35 Анонслар.
18.40 Ёшлик наволари.
18.50 Ватан ҳақида ўйлар.
18.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Анонслар.
19.40 Телепортрет.
20.00 Мусиқий лаҳзалар.
20.10 «Қилни қирқ ёриб...»
21.05 «Янги наволар». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Комилов.
21.40 CINEMANIYA.
22.00 «Ойижон». Б/ф.

ТОШКЕНТ tRv

«8.00-13.00»гача кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Эътиқод».
18.50 «23,5 даражали бурчак остида».
19.15, 20.55, 22.40 «Тв анонс».
19.20, 21.20 «Телекурьер маркет».
19.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.00 «Журналист таҳлили».
20.20 «Тв юрист».
20.25 «Туризм ҳақида».
21.00 «Оқшом наволари».
21.30 «Нима учун?»
22.10 «Тв юрист».
22.15 «Сиз кутган учрашув».
22.45 «Имконият». Б/ф.

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар»
9.10 «Непутевые заметки».
9.30 «Пока все дома».
10.10 «Фазенда».
11.00 «Қувноқ стартлар».
11.40 «Рақибингиз гроссмейстер».
12.00-12.45 «Аптека слушает».
17.55 Футбол. ЖЧ. «Япония-Хорватия».
20.00 «Вести».
20.20 «Тайм- аут».
20.40 ЖЧ-2006 кундалиги.
21.00 Футбол. ЖЧ. «Бразилия-Австралия».
23.00 «Ровесник».
23.20 «Спорт уик-энд».
24.00 Футбол. ЖЧ. «Франция-Ж. Корея».

Ҳурматли қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари!

«MOLSEM GROUP»

масъулияти чекланган жамияти

Тошкент шаҳридаги омборхоналардан эртапишар F1 Молдавия селекция гибридларининг маккажўхори уруғларини етказиб беришни таклиф этади.

Гибридга боғлиқ ҳолда пишиб етилиш даври 75-77 кун. Дон ҳосилдорлиги гектаридан 60-90 центнер, силос массаси — гектаридан 400-500 центнер. Дон таркиби 10,6 % оқсил, 3,9 % ёғ ва 71,4 % крахмалдан иборат.

Маккажўхори уруғлари сараланган, инскрустацияланган, ROYL FLO 42 S фунациди билан дориланган ҳамда 25 кг. ҳажмдаги қоғоз қопларга жойланган.

Ишингизга ривож тилаб, хурмат ва эҳтиром билан «MOLSEM GROUP» директори Валентин Будяну.

Манзил: Тошкент 700000, Пушкин кўчаси, 59-уй.
Телефон: (+99871) 137-11-67, **факс:** 137-11-49.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Respublika Ko`chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali»

Сизларни «Respublika Ko`chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» савдолар залида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

2006 йил 11 июль куни соат 12.00 да ўтказиладиган юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдосига қуйидаги ер майдонлари ва автотранспорт воситалари қўйилади:

1. Қибрай тумани ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида якка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Қибрай тумани, Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғини, Асаларичилик давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган, сатҳи 0,06 гектардан бўлган 7 та ер майдони.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 241 110 сўм.

2. Бекобод шаҳар ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида якка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Бекобод шаҳар, «Йўлдош» шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, сатҳи 0,04 гектардан бўлган 8

ЖЧ – 2006 шов-шувлари

ЧЕМПИОНАТ ХАТАРСИЗ ЎТАДИ

Орзиқиб кутилган ЖЧ-2006 нинг дастлабки учрашувлари ҳам бошланди. Германияда бўлаётган чемпионат хавфсизлигини таъминлаш ишларига катта «тартибот қўшини» – полициячилар, хусусий изқуварлар, ҳарбийлар ва махсус хизмат ходимлари жалб қилинган.

250 минг тартиб посбони, шу жумладан, собиқ чегарачилардан иборат 30 минг нафар федерал полиция ходими 135 иншоот (стадион, меҳмонхона кабилар) ва 400 та катта экран ўрнатилган оммавий томоша жойларида хавфсизликни таъминлайди. Европанинг ўн уч давлатидан келадиган юзлаб полициячилар футбол ўйинлари бўлиб ўтадиган ўн икки шаҳарда германиялик ҳамкасбларига ёрдам беради. Шунингдек, дунёнинг ўттиз бир давлатидан келган яна бир неча юз полициячи Нойсс шаҳридаги матбуот марказида ўз бурчини адо этади.

Жаҳон чемпионатининг беғалва ўтиши учун яна етти минг ҳарбий хизматчи, «АВАКС» русумли йигирма тўртта самолёт ва ўттиз миллион еврога ёлланган ўн олти минг нафар хусусий изқувар хизматидан фойдаланилади. Полиция ва ҳарбийлар билан бир қаторда Халқаро Қизил хоч ташкилотининг ўттиз беш минг аъзоси ҳам меҳнат қилади, шундан олти минги бевосита стадионларда фаолият кўрсатади.

Германия аҳолисининг қарийб 90 фоизи ҳукумат хавфсизлик борасида яхши тайёргарлик кўрган, деган фикрда.

Жиноий ишлар бўйича федерал ташкилот вакилларининг фикрича, ўтажак олтмиш тўрт ўйиндан йигирма биттасида нохуш ҳодиса рўй бериши мумкин. Спорт тадбирлари бўйича марказий ахборот хизмати бошлиғи Михаэл Эндлер эса футбол мухлисларини ҳеч нарсадан хавфсирамасликка чақирмоқда. У Германияга келган беш нафар инглиз безорисининг қўлга олинганини мисол келтирди.

Штутгарт шаҳри полициячилари саксон нафар безорининг бармоқ изларини олди. Баден-Вюртемберг федерал ери ташқи ишлар вазири Хериберт Рехнинг айтишича, бу шахслар жиноят содир этса, уларни қийинчиликсиз аниқлаш ва қўлга олиш мумкин.

Бавария федерал ери ташқи ишлар вазири Гюнтер Бекштайннинг айтишича, хавфсизлик таъминоти борасида ҳеч бир спорт тадбири 2006 йилги жаҳон чемпионатига тенг келолмайди.

Орифжон ТУРОПОВ, ЎзА шарҳловчиси.

РОНАЛДО ЯНА МАЙДОНДА

Бразилия терма жамоаси ҳужумчиси Роналдо Хорватияга қарши бўладиган биринчи учрашувда майдонга тушади. Янги Зеландия жамоаси билан бўлган ўртоқлик учрашувида унинг жароҳат олганлиги ҳақида хабар тарқалган эди. Ҳозир 29 ёшли ҳужумчи ўзини яхши ҳис қилмоқда.

БРАЗИЛИЯЛИКЛАР СИРИ

Бразилияликлар томонидан бой берилган 12 та жаҳон кубоги тафсилотлари ўрганилса, кўпгина сабаблар кўрсатилганини кузатиш мумкин. Аммо, уларнинг ҳеч бирида, «рақиб кучлироқ эди» деган фикр учрамайди.

ҒАЛАБА КЕЛТИРАР ЭМИШ

Жаҳон чемпионатига барча давлатлар турлича тайёргарлик кўришади.

Мексика пойтахти Мехикода анъанага айланган «футбол боласи» пайдо бўлди. Ҳар сафар жаҳон чемпионати олдидан пойтахт марказидаги ибодатхоналардан бирида жойлашган ёш бола ҳайкалига махсус футбол формасини кийгизиб, ҳаттоки, оёғининг остига тўп ҳам ўрнатиб қўйишади. Мексикаликларнинг фикрича, бу — терма жамоага ғалаба келтирар эмиш.

ҚАДИМИЙ ШАҲАРГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига бағишланган кўргазма очилди.

Унда шаҳарнинг кўҳна харобаларидан топилган осори-атиқалар – кулон шаклидаги тилла типратикан, қадимги муҳр, остодон ва хум каби кўплаб ноёб тарихий ашёлар намойиш этилмоқда. Олтин, кумуш, сопол каби маҳаллий материаллардан то олис Ҳинд океани қирғоқларида учрайдиган нодир денгиз чиғаноғидан ясалган ноёб буюмларгача – барчаси Тошкент аҳли ва пойтахтимиз меҳмонларига миллий маданиятимиз ҳақида ҳикоя қилади.

Истиқлол йилларида Қарши шаҳри таниб бўлмас даражада чирой очди. Яқинда мамлакатимиз мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари – 2006» спорт мусобақаларига мезбонлик қилган ушбу шаҳарда юбилей тадбирларига тайёргарлик доирасида бунёдкорлик ишлари қизғин давом этаётир.

Қаршининг 2700 йиллигини нишонлаш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори Рустам Қаюмовнинг айтишича, шаҳарнинг қутлуғ тўйига тадорик доирасида қарийб 40 объектда мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Бунда шаҳардаги тарихий обидаларни таъмирлаш ва тиклаш, атрофини ободонлаштириш борасида қилинган кенг кўламли ишлар алоҳида ўрин тутади.

Пойтахтимизда қадимий Насафнинг 2700 йиллиги муносабати билан ташкил этилган кўргазманинг алоҳида экспозицияси шаҳарда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ва умуман, Қашқар воҳаси аҳлининг бугунги ҳаётига бағишланган.

ЎзА.

А. ВАПАЕВ сурат-лавҳаси.

Муздек сувдан чиқиб, қуёшда тобланишга не етсин.

Ҳаёт сабоқлари

САРОБГА АЙЛАНГАН КЕЛИНЛИК БАХТИ

Латифа бир пайтлар навниҳол келинчак эди. Қариндошлари ва яқинлари «ёр-ёр» айтиб, узатиб келишган куни тўйхонадагилар икки ёшга бахтли ҳаёт тилаган эдилар.

Эндигина ўн саккиз баҳорни қаршилаган қиз толеи кулиб боққанидан масрур эди. Турмуш оқар дарё экан. У ҳамиша бир текис оқавермайди. Баъзан жўшиб, баъзан кўпириб, баъзан эса сокин оқади.

Унинг йўлларида қувонч, ташвиш деган бекатлари бор. Ҳаёт мағзини чаққандагина одамлар тилаган бахтга муяссар бўла оладилар. Афсус, буни Латифа жуда кеч тушунди.

У келин бўлиб тушган хонадон катта рўзғор эди. Мол-ҳол, дала-боғ деганларидек, кунора нон ёпиш, овқат пишириш, сигир соғиш, супир-сидир, яна майда-чуйда уй-рўзғор ишларини бажариш келинчак учун жуда мушкул юмуш бўлиб туюлар эди. Гарчи қайнонаси унинг ёнига тушиб, бу ишларнинг кўпини ўзи уддалаб қўйса-да, Латифа оддий юмушларни ҳам бажаришда қоқилаверди. Шундай кезларда у қизлик пайтларини қўмсар, уйига кетиб қолгиси келаверарди. Негаки ўз уйида кўп ишларни онаси бажарар, хонадондаги енгил-елпи юмушларга ҳам унинг уқуви йўқ эди. Уқувсизлик эса келинчак турмушига совуқчилик тушираверарди. У дам қайнонаси, дам эри билан аччиқлашиб қоларди, шундай пайтда «бундай турмуш нимага керак, бу хонадонда яшамайман», деган фикр хаёлидан нари кетмасди.

Охири бўлмади. Латифа айтганини қилди. Турмуш қурганларига ҳали ярим йил ҳам бўлмасдан орзу-умидларни чилпарчин қилиб, қутлуғ қадам ташлаган остонасини тарк этди. Қайнонасининг маслаҳатлари-ю, эрининг юпатишлари унга тасалли бермади.

Турмушдан ажраб яшаш Латифа ўйлаганидек осон эмас экан. Аввалига ўзига олмай юрди. Вақт ўтиб, ота-онасининг уйига ҳам сиғмай қолди. Тор ҳовлида яшаётган икки келин билан тез-тез сан-манга бориб қоладиган, баъзида эса онаси билан аччиқлашиб, бир неча кунлаб кўнгли хижил бўлиб юрарди.

Шу тариқа кунлар ўтди. Унинг учун ҳамма нарса: ҳаёт ҳам, яшаш ҳам, одамлар ҳам совуқ туюларди. Айниқса, унинг атрофида ўралашиб қолган баъзи эркаклар Латифанинг юрагини эзар, қайси йўлни танлашини билмай, боши гангирди.

Қозонга яқин юрсанг қораси, ёмонга яқин юрсанг балоси юқади, деганларидек, Латифанинг бириккита енгил ҳаёт кечирувчи дугоналари уни эгри йўлга бошлашди. Ўз тақдири калитини бегоналар қўлига топширган аёл бора-бора енгил ҳаёт кечиришга ўрганди. Маишатпарастларнинг мақтови-ю, баландпарвоз гаплари, қимматбаҳо совғалари кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйган эди. У ақлнинг эмас, кўнгилнинг амрига қулоқ тутар, бу эса уни тобора тубанликка бошлар эди.

Шу алфозда йиллар ўтди. Синган кўнгил, синган бахт қайта тикланмади.

Латифанинг кейинги тақдири бегона бир киши билан боғланди. Аммо турмушлари совуқ ошдек ўтар эди. Эрининг кунора ичиб келиб ҳақоратлаши, уриб-сўкишлари уни тутдек тўкиб юборди. Айниқса, бир пайтлар гап-сўз бўлганини юзига солганида ич-ичидан куяр, ўша кунларни ва ўзини лаънатлар эди.

Энди Латифа ҳаммасига чидашга мажбур. Икки фарзандини ўйлаб чидайди. Уларнинг мунчоқдек кўзларига боқиб, бор мушкулотларини ортга суради...

Лутфинисо ОДИЛОВА.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

«ХОСИЯТСИЗ» РАҚАМ

6 июнни насронийлик динига эътиқод қилувчиларнинг бир қисми қутқу билан ўтказди десак, муболаға бўлмас.

Гап шундаки, ақидапарастлар фикрича, 666 — иблис рақами ҳисобланаркан. 2006 йилнинг 6 июни эса, қисқартириб ёзилганда айнан шу термани ҳосил қилади.

Бу вазиятда турли тоифадаги одамлар ўзларини турлича тутдилар. «Омен» фильми продюсерлари мазкур сана баҳонасида Иблис-гўдак ҳақидаги янги фильмни яна бир бор кенг намойиш этишга урониб кўрдилар. Эсдалик совғалари билан савдо қилувчилар ўз маҳсулотларига ушбу кун рамзини муҳрлашга шошилишди. Украина Олий Радасидаги учта фракция эса, «хосиятсиз кун» муносабати билан сешанба куни мажлислар ўтказмасликка қарор қилди.

ОСТАНКИНО СУҒУРТАЛАНДИ

Петербургдаги «Русский мир» суғурта компанияси Останкино телевизион минорасини суғурта қилди.

Шартномага мувофиқ, суғурталанувчи иншоотлар сифатида темир-бетон телевизион миноранинг ўзи экскурсиялар корпуси биноси, шунингдек, телерадиоузатиш ускуналари рўйхатга киритилмаган. Суғурта миқдори 110 миллион доллардан кўпроқни ташкил этди.

ЕРГА ҚАЙТИШ ИМКОНИ БОР

Японияниг JAXA аэрокосмик агентлиги Hayabusa зонди Итокава астероиди томон саёҳатдан сўнг Ерга қайта олишини тасдиқлади.

Муқаддам олимлар космик аппаратнинг ионли двигателлари парвоз давомида ксенон йўқотгани сабабли, тез орада ишдан чиқишини башорат қилишганди. Аммо, сўнгги тестлар кемаининг ҳамон соз эканлигидан далолат бермоқда.

ТОЛИБИЙ ШЎРПО

(Пазанда маслаҳати)

Маълумки, ҳозир айрим ўқув юртларида ёзги имтиҳон сессияси давом этмоқда. Имтиҳонлардан қоқилмай-йиқилмай ўтиб олиш учун студент жисмонан бақувват бўлиши, унинг кўнгли сайраб туриши керак. Бунинг учун ошхонанинг овқати камлик қилади. Шаҳримиздаги студент укаларимизга амалий ёрдам тариқасида биз тубанда сессия даврида тановул этиладиган таомнинг бир турини келтирмоқчимиз. Бу таом толибий, яъни студент шўрпо деб аталади.

Толибий шўрпо қандай пиширилади? Бунинг учун сахрода катта бўлган қора қўйнинг чап биқинидан бир килоча кесиб оласи. ***(Эслатма: пичоқни аввал қайнатиб, сўнг тоза спирт билан артинг. Муаллиф)*** Ундан кейин ҳисори қўйнинг карт думбасидан ярим килодан мўлроқ олинг. Қуйруқни қанддек катталикда тўрт бурчак қилиб тўғранг. Сўнгра Сўх (Фарғона вилояти, Риштон тумани) картошкасидан бир кило, Ғиждувон сабзисидан ярим килоча ***(сабзини кўп истеъмол қилманг, уйқунгиз қочади. Муаллиф)*** арчиб, паррак шаклида тўғраб қўйинг. Энди пиёз қолди. Уни Хоразмдаги «Ал-Хоразмий» ширкатидан олганингиз дуруст. Чунки, «харес» пиёз таомни тотли қилади.

Масаллиқ тайёр бўлгач, ер ўчоққа чўян қозон осиб, Ғазалкент сойининг сувидан ярим пақир қуясиз. Гўшт-ёғ, сабзи, картошка, пиёзни қозонга солиб, аста қайнатасиз. Ўтинга Қизилқумнинг қўнғир саксовулидан ишлатишни маслаҳат берамиз. Таом бир қайнаганда Яккабоғнинг қизил тузидан бир қошиқ ташлаб юборинг.

Толибий шўрпо қайнаётганда студентлар китоб очиб, қозон атрофида ўтиргани мақсадга мувофиқдир. Негаки, бир социолог айтганидай, қозондан умидвор киши стипендиядан ҳам умидвор бўлади, демак яхши ўқишга тиришади.

Таом пишди. Энди нима қилиш керак? Энди Бойсун туманида ўсадиган кийик ўтдан бир чимдим, Наманганнинг Чодак тоғларида бўладиган меҳригиёдан ***(буни Ибн Сино «ябриҳуссанам» дейди. Муаллиф)*** икки чимдим ташланг. Меҳригиё студентларнинг бир-бирига ва шўрпога бўлган муҳаббатини янада кучайтиради.

Толибий шўрпога темир қошиқ уриш мутлақо ярамайди. Бунинг учун Татаристоннинг Оқ Эдил қишлоғида ясаладиган ёғоч қошиқдан топиш керак. Иложи бўлса, косаларни ҳам санъат музейидан олиш тавсия этилади. Зеро, бир филолог айтганидай, атала ичсанг ҳам тилло идишда ичган мақбул.

Бу таом суюқ бўлганлиги учун уни нон билан ёки нонсиз тановул қилиш мумкин. Нонхўр студентлар шўрпога Самарқанднинг нонидан ***(ҳар косага тахминан биттадан. Муаллиф)*** бўктириб есалар, нафслари ором олиши мумкин.

Толибий шўрпонинг хосияти шуки, у кишини чанқатади. Бундай пайтда Олтиариқнинг (Фарғона) ширин сувидан икки пиёла шимириб, сўнг тўшакка киринг. Эртасига имтиҳондан кўз юмиб ўтолмасангиз, мени толибий шўрпо урсин!

Эслатма: толибий шўрпо стипендия ололмай ва кунига уч марта почтахонага зир югуриб, уйидан пул кутиб юрган студентларга мўлжалланади.

Пазанда: С. Қарноқли

Охирги эслатма: мабодо толибий шўрпо пишса, бизни ҳам чақирсинлар, ҳали бу лаззатли таомнинг тузини ўзимиз ҳам тотиб кўрмаганмиз.

Саъдулла СИЁЕВ.

БОҚИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗ НАМОЙИШИ

Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида республика талабаёшларининг «Барҳаёт анъаналар» фестиваль-танлови якунланди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур фестивалнинг саралаш босқичида юртимизнинг барча олий таълим муассасаларининг бадиий жамоалари иштирок этди.

Танловда олий ўқув юртлари жамоалари томонидан фольклор, рақс ва мусиқа, халқ оғзаки ижодиёти намуналари – унутилаёзган рақслар, лапар, ўлан, ялла, айтишувлар, достон, аския ва афсоналар театрлаштирилган саҳна кўринишлари тарзида намойиш этилди.

Биринчи ўрин Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети жамоасига насиб этди.

ЎзА.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 15 майдаги 11-0622/2644-сонли иши ҳал қилув қарорига асосан «Гўштсавдохарид» корхонаси банкрот деб эътироф этилиб, тугатиш ишлари бошланган. Шу муносабат билан 2006 йил 19 июлда Бекобод шаҳар ДСИ биносида соат 17.00 да кредиторлар йиғилиши ўтказилади. Бекобод шаҳар давлат солиқ инспекцияси «ЮШТБТН ва ТК» бўлими бош давлат солиқ инспектори Атабаев Рахимжон Иргашалиевич қарздор «Гўштсутсавдохарид» корхонасини тугатиш бошқарувчиси қилиб тайинланган. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида Бекобод шаҳар давлат солиқ инспекцияси 13-хонасида қабул қилинади. Телефон: 2-30-83.

Тошкент вилояти «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси

турли ёрмалар, сариёғ, гўшт, гўшт маҳсулотлари ва бошқа зарурий озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олади.

Телефонлар: 55-06-98, 54-04-86, 55-26-96, 111-16-13.

Уважаемые господа предприниматели!

Специализированное предприятие по проведению аукционных торгов ООО "DELTA TRADE BIZNES" предлагает вам посетить аукционные торги, которые будут проводиться 12 июля 2006 года в 10.00 по адресу: Шайхантахурский р-н, Ц-14, дом 19. На аукционные торги будет выставлено недвижимое имущество - трехэтажное административное здание с подвалом общей площадью 2985 кв.м. расположенного на земельном участке общей площадью 1800 кв.м, находящееся по адресу: город Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Заркайнар, дом 39, 40, 41.

Стартовая цена объекта 1 098 730 000 сумов.

Для участия на аукционных торгах по покупке недвижимого имущества необходимо внести заклад в размере 10 % от стартовой стоимости объекта. Принятие заявок для участия прекращается за 1 час до проведения торгов. В случае, если выставленный объект не будет продан 12 июля 2006 года, то следующие торги будут проведены 19-26 июля и 2-9 августа.

Для получения информации обращаться по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский р-н, Ц-14, дом 19. Тел.: 144-88-04, 131-98-60.

Чирчиқ шаҳридаги 10-мактаб томонидан 1998 йилда Сидерас Эльвина Шевкетовна номига берилган O`RB 011615 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Давлат педагогика университети томонидан 1984 йилда Иванова Найилл Искандировна номига берилган 043512 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чирчиқ шаҳридаги 10-мактаб томонидан 1994 йилда Пяк Денис Сергеевич номига берилган 439077 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чирчиқ шаҳридаги 13-мактаб томонидан 1992 йилда Хакимулина Гульнира Махамат-шахировна номига берилган 002136 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чиноз туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1990 йил 5 июнда Миралиева Нуржамол Турғунбаевна номига берилган 176615 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети томонидан 2005 йилда Қурбонов Азизбек Абдуҳалил ўғли номига берилган XIM 04705 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар менежмент-технология коллежи томонидан 2005 йил 6 июлда Худойбердиев Хамза Хурсанович номига берилган 287298 рақамли диплом ҳамда 8581 рақамли илова йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар тиббиёт билим юрти томонидан 1987 йилда Гараева Марьям Усмановна номига берилган ЛТ-I 066296 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ҳамза туманидаги «Gudier-Biznes» МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.

Юнусобод туманидаги «VIS» МЧЖ (ОКПО 19142062) **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 110-50-14 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Мирзо Улуғбек туманидаги «AKBAR SHOH TIJOR» хусусий фирмаси (ОКПО 18718465) **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 65-47-92 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Чилонзор туманидаги «PIRAMIDA NAZR» масъулияти чекланган жамиятига 2004 йилда «ALP JAMOL» банки томонидан берилган чек дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

1993 йил 15 февралда Харитошкин Николай Васильевич номига берилган 10-02/9304 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянное доверенность для получения материалов и запчастей № 126 выданный 4 апреля 2006 г. ЗАО «QIZILQUM» на имя Ахмедова Барата, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-840. Адади 5761. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.00. 1 2 3 4 6